

I-Боб

1.1 Натурал ва бутун сонлар.

- 1 $a + (-b) = a - b$;
- 2 $-(-a) = a$;
- 3 $(a + b) + c = a + (b + c)$;
- 4 $-(a + b - c) = -a - b + c$;
- 5 $a \cdot (-b) = (-a) \cdot b = -ab$;
- 6 $(ab) \cdot c = a \cdot (bc) = b \cdot (ac)$;

1.1.1 Бошланғич тушунчалар. Ҳисоблашга оид мисоллар.

(96-7-1) Ҳисобланг:

$$21 \cdot 18 - 19 \cdot 18 + 18 \cdot 17 - 17 \cdot 16 + 16 \cdot 15 - 15 \cdot 14$$

A)50 B)100 C)98 D)24 E)110

Ечиш: Ифодани унинг ҳадларни группалаб умумий кўпайтувчини қавсдан ташқарига чиқариш ёрдамида ҳисоблаймиз:

$$\begin{aligned} 21 \cdot 18 - 19 \cdot 18 + 18 \cdot 17 - 17 \cdot 16 + 16 \cdot 15 - 15 \cdot 14 &= \\ &= 18(21 - 19) + 17(18 - 16) + 15(16 - 14) = \\ &= 18 \cdot 2 + 17 \cdot 2 + 15 \cdot 2 = 2(18 + 17 + 15) = 100 \end{aligned}$$

ж. 100 (B)

- 1 (96-1-1) Ифоданинг қийматини топинг.
 $26 \cdot 25 - 25 \cdot 24 + 24 \cdot 23 - 23 \cdot 22 - 12 \cdot 8$
A)106 B)1 C)54 D)8 E)9

2 (96-3-1) Ифоданинг қийматини топинг.

$$12 - 6 : 3 + 2 \cdot 4$$

A)16 B)10 C)18 D)48 E)4 $\frac{2}{3}$

(96-9-52) Ифоданинг қийматини топинг.

$$18 \cdot 36 - 16 \cdot 36 + 24 \cdot 27 - 25 \cdot 24 - 21 \cdot 5$$

A)45 B)1 C)0 D)15 E)115

4. (96-10-1) Ифодани қийматини топинг.

$$21 \cdot 13 + 24 \cdot 13 + 45 \cdot 12 + 25 \cdot 44 - 89 \cdot 24$$

A)79 B)126 C)89 D)0 E)1

5. (96-11-1) Ифоданинг қийматини топинг

$$15 - 9 : 3 + 4 \cdot 3$$

A)24 B)18 C)48 D)6 E)7 $\frac{1}{3}$

6. (96-12-1) Ифоданинг қийматини топинг.

$$18 - 12 : 2 + 5 \cdot 3$$

A)15 $\frac{1}{2}$ B)51 C)24 D)54 E)27

7. (97-3-1) Ҳисобланг.

$$21 \cdot 17 - 18 \cdot 17 + 17 \cdot 15 - 15 \cdot 14 + 18 \cdot 13 - 15 \cdot 13$$

A)125 B)135 C)205 D)180 E)165

8. (97-7-1) Ҳисобланг.

$$36 \cdot 24 - 33 \cdot 24 + 17 \cdot 11 - 14 \cdot 11 + 18 \cdot 16 - 15 \cdot 16$$

A)166 B)155 C)180 D)235 E)153

9. (97-10-1) Ҳисобланг.

$$27 \cdot 23 - 24 \cdot 23 + 21 \cdot 19 - 18 \cdot 19 + 17 \cdot 11 - 14 \cdot 11$$

A)165 B)159 C)143 D)203 E)189

10. (98-3-9) Ҳисобланг.

$$27048 \cdot 27044 - 27047 \cdot 27043$$

A)60491 B)58051 C)57091

D)54091 E)56091

11. (98-10-57) Ҳисобланг.

$$45815 \cdot 45818 - 45814 \cdot 45816$$

A)137446 B)137447 C)241584

D)241586 E)241585

12. (00-5-4) Ҳисобланг.

$$139 \cdot 15 + 18 \cdot 139 + 15 \cdot 261 + 18 \cdot 261$$

A) 13200 B) 14500 C) 15100

D) 16200 E) 17500

13. (98-10-50) 6 ни берилган сонга кўпайтирганда, ҳосил бўлган сон ... 44 кўринишда бўлса, берилган сон қуйидагилардан қайси бири кўринишида бўлиши мумкин?

A) ...24 B) ...19 C) ...79 D) ...14 E) ...34

- 14 (99-8-6) 3680 ва 5060 сонларини айна бир сонга бўлганда, биринчисидан бўлинма 32 га тенг бўлса, иккинчисидан нечага тенг бўлади?
A)44 B)38 C)48 D)52 E)46
15. (98-5-8) 50 дан кичик туб сонлар нечта?
A)10 B)15 C)17 D)9 E)16
- 16 (97-9-61) n рақамининг қандай қийматларида $50+n$ сони энг кам туб кўпайтувчиларга ажралади?
A)3 B)5 C)3;9 D)1;9 E)9
- 17 (00-5-6) 48 сонининг барча натурал бўлувчилари йиғиндисини топинг.
A) 123 B) 100 C) 108 D) 124 E) 128
- 18 (96-3-80) Ушбу 31323334...7980 соннинг рақамлари йиғиндисини топинг.
A)473 B)480 C)460 D)490 E)453
- 19 (96-9-21) Ушбу 1234567891011... 4950 соннинг рақамлари йиғиндисини топинг.
A)335 B)330 C)320 D)315 E)310
- 20 (96-12-78) Ушбу 21222324... 6970 соннинг рақамлари йиғиндисини топинг
A)400 B)430 C)410 D)420 E)440
- 21 (96-13-21) Ушбу 11121314... 5960 соннинг рақамлари йиғиндисини топинг.
A)380 B)370 C)360 D)400 E)390
- 22 (00-9-15) $\overline{ABC} + \overline{MN} = \overline{FEDP}$. (\overline{MN} -икки хонали, \overline{ABC} - уч хонали, \overline{FEDP} - тўрт хонали сон) $F^{M+N} + A^P$ ни ҳисобланг
A) аниқлаб бўлмайди
B) 1 C) 2 D) 9 E) 10
- 23 (99-5-6) $\overline{abc} + \overline{dec} = \overline{fkmc}$ (\overline{abc} ва \overline{dec} - уч хонали сонлар, \overline{fkmc} - тўрт хонали сон)
 $f^{a+d} + (b+d)^c$
ни ҳисобланг
A) аниқлаб бўлмайди B) 1
C) 2 D) 3 E) 4
- 24 (01-2-3) 999² ни ҳисобланг
A)997991 B)998001 C)999001
D)998991 E)997001
- 25 (02-5-4) 1, 2, 3; 15, 17; 23, 24; 169; 289; 361 сонлар кетма-кетлигида нечта туб сон бор?
A)3 B)4 C)5 D)7 E)8
- 26 (02-12-31) 7 га қаррали икки хонали натурал сонлар нечта?
A)14 B)12 C)15 D)11 E)13

27. (02-12-33)

$$249 \cdot 250 - 250 \cdot 251 + 251 \cdot 252 - 252 \cdot 253 + \\ + 253 \cdot 254 - 254 \cdot 255$$

ни ҳисобланг

- A) - 1514 B) - 1516 C) - 1512
D) - 1518 E) - 1510

1.1.2 Бўлиниш белгилари.

- Охирги рақами 0,2,4,6,8 лар билан тугайдиган сонлар 2 га бўлинади
- Охирги икки рақами нол билан тугаса ёки 4 га бўлинса, бундай сонлар 4 га бўлинади.
- Охирги учта рақами нол билан тугаса ёки 8 га бўлинса, бундай сонлар 8 га бўлинади
- Охирги рақами 0 ёки 5 билан тугайдиган сонлар 5 га бўлинади
- Рақамлар йиғиндисини 3 га бўлинадиган сонлар 3 га бўлинади.
- Рақамлар йиғиндисини 9 га бўлинадиган сонлар 9 га бўлинади.
- Агар соннинг жуфт ўринда турган рақамлар йиғиндисини билан тоқ ўринда турган рақамлар йиғиндисининг айирмасини 11 га бўлинса, бундай сонлар 11 га бўлинади

(98-10-2) Қуйидаги сонлардан қайси бири 36 га қолдиқсиз бўлинмайди?

- A)2016 B)3924 C)1782 D)8244 E)2484

Ечиш: Бирор сон 36 га қолдиқсиз бўлиниши учун сон ҳам 4 га, ҳам 9 га бўлиниши керак 1782 сони эса 4 га бўлинмайди Шунинг учун у сон 36 га ҳам бўлинмайди ж 1782 (C)

- (97-4-2) 17827516 қуйидаги сонлардан қайси бирига қолдиқсиз бўлинади?
A)3 B)10 C)4 D)5 E)9
- (97-4-12) n рақамининг қандай қийматларида $6134n$ сони 3га қолдиқсиз бўлинади.
A)1 B)4 C)2 D)4,2 E)1,4,7
- (97-9-62) 41582 637 қуйидаги сонлардан қайси бирига қолдиқсиз бўлинади?
A)4 B)9 C)5 D)10 E)6

4. (97-9-72) n рақамининг қандай қийматларида $7851n$ сони 9 га қолдиқсиз бўлинади?
 A) 2 B) 4 C) 6 D) 9 E) 2; 6
5. (98-7-4) x рақамининг қандай энг кичик қийматида $(147 + 3x^2)$ сон 3 га қолдиқсиз бўлинади?
 A) 5 B) 0 C) 4 D) 7 E) 1
6. (98-10-51) Берилган $p = 10189144$, $q = 396715256$ ва $r = 78901644$ сонлардан қайсилари 8 га қолдиқсиз бўлинади?
 A) ҳеч қайсиси B) p ва q C) p ва r
 D) p E) r
7. (98-12-4) x рақамининг қандай энг катта қийматида $(471 + 2x^3)$ сони 3 га қолдиқсиз бўлинади?
 A) 7 B) 8 C) 9 D) 4 E) 5
8. (98-12-70) Агар a тоқ сон бўлса, қуйидаги сонлардан қайси бири албатта тоқ сон бўлади?
 A) $a^2 + 27$ B) $5(a + 13)$ C) a^8
 D) $\frac{a(a+3)}{2}$ E) $\frac{(a+1)(a+2)}{2}$
9. (99-3-7) Қуйидаги сонли кетма-кетликлардан қайсилари туб сонлардан иборат?
 1) 0, 3, 5, 7, 11; 2) 1, 3, 5, 7, 13; 3) 3, 5, 7, 9, 11;
 4) 2, 3, 5, 7, 17; 5) 3, 5, 17, 19, 381;
 A) 1; 2 B) 2; 4 C) 5 D) 3 E) 4
10. (99-7-10) 30 дан кичик туб сонлар нечта?
 A) 11 B) 9 C) 10 D) 12 E) 8
11. (96-7-2) Берилган сонлардан қайсилари 15 га қолдиқсиз бўлинади? $x = 220350$, $y = 3 \cdot 21 \cdot 10^6$, $z = 1024145$.
 A) фақат x B) фақат z C) y ва z
 D) x ва y E) x ва z
12. (97-3-2) $x = 30112$, $y = 3 \cdot 3 \cdot 10^5$ ва $z = 102588$ сонлардан қайсилари 12 га қолдиқсиз бўлинади?
 A) фақат y B) фақат x C) x ва z
 D) фақат z E) y ва z
13. (97-7-2) Қуйидаги сонлардан қайсилари 18 га қолдиқсиз бўлинади?
 $x = 10842$, $y = 5,49 \cdot 10^4$, $z = 306198$
 A) фақат x B) фақат y C) x ва y
 D) фақат z E) y ва z
14. (97-10-2) Қуйидаги сонлардан қайсилари 6 га қолдиқсиз бўлинади?
 $x = 123386$, $y = 402108$, $z = 2,61 \cdot 10^5$
 A) фақат x B) фақат y C) фақат z
 D) y ва z E) x ва z
15. (97-2-5) Натурал сонлар учун қуйидаги келтирилган мулоҳазалардан қайси бири нотўғри?
 A) берилган сонлар бўлинадиган сонларнинг энг каттаси уларнинг энг катта умумий бўлувчиси бўлади
 B) агар икки қўшилувчидан бири 11 га бўлиниб, иккинчиси 11 га бўлинмаса, уларнинг йиғиндиси 11 га бўлинмайди
 C) 3 га бўлинган сон 9 га ҳам бўлинади
 D) 3 ва 5 га бўлинадиган сон 15 га бўлинади
 E) рақамларининг йиғиндиси 3 га бўлинадиган жуфт сон 6 га бўлинади
16. (98-2-3) Қуйидаги сонлардан қайси бири 15 га қолдиқсиз бўлинмайди?
 A) 6525 B) 3105 C) 4620 D) 6145 E) 1245
17. (98-3-3) Берилган $p = 1018978560$, $q = 89761194416$ ва $r = 987610734$ сонлардан қайсилари 16 га қолдиқсиз бўлинади?
 A) Ҳеч қайсиси B) p
 C) q D) r E) p ва q
18. (98-9-4) Қуйидаги сонлардан қайси бири 12 га қолдиқсиз бўлинмайди?
 A) 9216 B) 13626 C) 12024
 D) 18312 E) 52308
19. (99-2-2) 821 га қандай энг кичик мусбат сонни қўшганда, йиғинди 6 га қолдиқсиз бўлинади?
 A) 4 B) 1 C) 5 D) 7 E) 9
20. (99-2-3) $3p - 3 \in N$ га тегишли сон 1; 2; 3; 6; 9 ва 18 га қолдиқсиз бўлинади. p нинг энг кичик натурал қийматини топинг.
 A) 14 B) 21 C) 7 D) 5 E) 24
21. (00-7-3) 752 сонининг ўнг томонида қандай рақам ёзилса, ҳосил бўлган сон 36 га қолдиқсиз бўлинади?
 A) 0 B) 2 C) 6 D) 7 E) 4
22. (00-8-3) $3 * 470$ ёзувдаги юлдузчани шундай рақам билан алмаштирингки, ҳосил бўлган сон 45 га қолдиқсиз бўлинсин.
 A) 4 B) 5 C) 0 D) 6 E) 8
23. (96-6-5) Натурал сонларга нисбатан қуйидаги мулоҳазаларнинг қайси бири нотўғри?
 A) берилган сонларга бўлинадиган сонларнинг энг кичиги бу сонларнинг энг кичик карралиси бўлади
 B) агар қўшилувчиларнинг ҳар бири 13 га бўлинса, у ҳолда уларнинг йиғиндиси ҳам 13 га бўлинади.
 C) агар бирор соннинг рақамлари йиғиндиси 9 га бўлинса, у ҳолда бу сон 9 га бўлинади

- D) охирги рақами 4 га бўлинган сон 4 га бўлинади
E) 3 ҳамда 2 га бўлинган сонларнинг барчаси 6 га ҳам бўлинади
- 24 (01-2-2) n нинг қандай энг кичик натурал қийматида $2^n + 1$ сони 33 га қолдиқсиз бўлинади?
A)7 B)3 C)6 D)4 E)5
- 25 (01-11-2) Қуйидаги сонлардан қайси бири 45 га қолдиқсиз бўлинади?
A)42 85 B)35 61 C)80 123
D)36 20 E)143 30
- 26 (02-4-28) $246 \cdot 013579$ сони 9 га бўлиниши учун юлдузчанинг ўрнига қандай рақам қўйилиши керак?
A)0 B)4 C)7 D)8 E)9
- 27 (02-12-21) Қуйидаги кўпайтмалардан қайси бири 45 га қолдиқсиз бўлинади?
A)42 85 B)35 61 C)80 123
D)39 18 E)243 80
- 4 (97-12-2) Натурал сонни 18 га бўлганда, бўлинма 15 га, қолдиқ 3 га тенг бўлди. Бўлинувчини топинг
A)173 B)243 C)253 D)273 E)263
- 5 (98-6-1) Қандайдир сонни 1995 га бўлганда қолдиқ 1994 га тенг бўлса, шу сонни 5 га бўлгандаги қолдиқни топинг?
A)4 B)3 C)2 D)1 E)0
- 6 (98-7-3) Қайси тенглик қолдиқли бўлишни ифодалайди?
1) $43 = 9 \cdot 5 - 2$ 2) $43 = 8 \cdot 5 + 3$
3) $43 = 7 \cdot 5 + 8$ 4) $43 = 21 \cdot 2 + 1$
A) 1,2,4 B) 2,3,4 C) 2,4
D) 3,4 E) ҳаммаси
- 7 (98-11-51) Қандайдир сонни 289 га бўлганда қолдиқ 287 га тенг бўлса, шу сонни 17 га бўлгандаги қолдиқни топинг
A)15 B)2 C)5 D)16 E)0
- 8 (98-11-57) 9^{10} ни 7 га бўлгандаги қолдиқни топинг
A)1 B)3 C)2 D)6 E)4
- 9 (98-12-3) Қайси тенглик қолдиқли бўлишни ифодалайди?
1) $47 = 4 \cdot 11 + 3$ 2) $47 = 6 \cdot 6 + 11$
3) $47 = 9 \cdot 5 + 2$ 4) $47 = 7 \cdot 7 - 2$
A) 1, 3 B) 1,2,3 C) 1,4
D) 2,3 E) ҳаммаси
- 10 (99-1-3) Ифодани 6 га бўлингандаги қолдиқини топинг
 $7 + 69 + 671 + 6673 + 66675$
A)1 B)4 C)3 D)5 E)2

1.1.3 Қолдиқли бўлиш.

a -бўлинувчи, b -бўлувчи, n -бўлинма

r - қолдиқ

$$1 \quad a = b \cdot n + r, \quad 0 \leq r < b$$

- (98-6-7) 3^{20} ни 7 га бўлгандаги қолдиқни топинг
A)6 B)3 C)1 D)2 E)4

Ечиш: $(mk + r)^n$ сонни k га бўлгандаги қолдиқ r^n ни k га бўлгандаги қолдиққа тенг, яъни $(mk + r)^n = m_1 k + r^n$ (m_1 -бўлинма) бўлгани учун

$$\begin{aligned} 9^{10} &= (7 + 2)^{10} = 7n + 2^{10} = 7n + 32^2 = \\ &= 7n + (4 \cdot 7 + 4)^2 = 7n + 7n_1 + 4^2 = \\ &= 7(n + n_1) + 16 = 7(n + n_1 + 2) + 2 \end{aligned}$$

эканини ҳосил қиламиз. Демак, қолдиқ 2 га тенг экан ж 2 (D)

- 1 (96-6-2) 243 ни қандайдир сонга бўлганда бўлинма 15 га, қолдиқ 3 га тенг чиқди. Бўлувчи нечага тенг?
A)17 B)16 C)18 D)19 E)21
- 2 (97-2-2) 215 ни 19 га бўлганда, қолдиқ 6 бўлади. Бўлинма нечага тенг?
A)13 B)12 C)9 D)11 E)14
- 3 (97-8-2) 358 ни қандай сонга бўлганда бўлинма 17 ва қолдиқ 1 бўлади?
A)19 B)21 C)22 D)20 E)23
- 11 (99-3-5) 36455478354 ни 2, 4, 5, 9, 10 ва 25 га бўлганда ҳосил бўлган қолдиқлар йиғиндисини топинг
A) 18 B) 16 C) 15 D) 14 E) 12
- 12 (99-3-6) 4^{12} ни 9 га бўлганда, қолдиқ неча бўлади?
A) 1 B) 2 C) 4 D) 7 E) 8
- 13 (99-8-25) Иккита натурал сонни 5 га бўлганда мос равишда 1 ва 3 қолдиқ ҳосил бўлади. Бу сонлар квадратларининг йиғиндисини 5 га бўлганда, қолдиқ нечага тенг бўлади?
A)4 B)1 C)2 D)3 E)0
- 14 (99-8-26) n сонини 7 га бўлганда, қолдиқ 5 га m сонини 7 га бўлганда, қолдиқ 6 га тенг mn кўпайтмани 7 га бўлганда, қолдиқ нечага тенг бўлади?
A)4 B)0 C)1 D)2 E)3

- 15 (00-2-10) 3 га бўлинмайдиган натурал соннинг кубини 9 га бўлганда, қолдиқ қандай сонлар бўлиши мумкин?
 A) 1 ёки 8 B) 0 ёки 1 C) 0 ёки 8
 D) 3 ёки 6 E) 0; 1 ёки 8
16. (00-5-5) 35 та натурал сонни кетма-кет ёзиш натижасида ҳосил бўлган 123...3435 сонини 25 га бўлиш натижасида ҳосил бўлган қолдиқ нечага тенг?
 A) 15 B) 20 C) 5 D) 10 E) 0
17. (00-7-4) 624 ни қандай сонга бўлганда, бўлинма 41 га, қолдиқ эса 9 га тенг бўлади?
 A) 16 B) 17 C) 13 D) 15 E) 12
18. (01-6-2) Барча уч хонали сонлар ичида 45 га қолдиқсиз бўлинадиганлари нечта?
 A)19 B)20 C)18 D)21 E)17
19. (01-7-8) 2146, 1991 ва 1805 сонларининг ҳар бирини қандай натурал сонга бўлганда, қолдиқлари бир хил чиқади?
 A)7 B)13 C)21 D)31 E)37
20. (02-3-12) Қуйидаги тасдиқлардан қайси бири ҳамма вақт тўғри?
 A) ҳар бир қўшилувчи 11 га бўлинса, йиғинди ҳам 11 га бўлинади
 B) бирорта ҳам қўшилувчи 11 га бўлинмаса, йиғинди ҳам 11 га бўлинмайди
 C) қўшилувчилардан камида биттаси 11 га бўлинса, йиғинди ҳам 11 га бўлинади
 D) йиғинди 11 га бўлинса, ҳар бир қўшилувчи ҳам 11 га бўлинади
 E) йиғинди 11 га бўлинмаса, бирорта ҳам қўшилувчи 11 га бўлинмайди
- 1) га тенг бўлгани учун берилган сонларнинг умумий бўлувчилари сони $n = (1 + 1)(3 + 1) = 8$ га тенг. ж: 8 (A).
1. (96-3-2) 8 ва 6 сонларининг энг кичик умумий карралисини топинг.
 A)16 B)24 C)12 D)8 E)48
2. (96-3-61) 630 ва 198 нинг умумий бўлувчилари нечта?
 A)5 B)6 C)4 D)7 E)8
3. (96-11-2) 10 ва 8 сонларининг энг кичик умумий карралисини топинг.
 A)80 B)10 C)18 D)40 E)24
4. (96-12-2) 6 ва 4 сонларнинг энг кичик умумий карралисини топинг.
 A)6 B)14 C)24 D)28 E)12
5. (96-12-59) 840 ва 264 нинг умумий бўлувчилари нечта?
 A)9 B)4 C)6 D)8 E)7
6. (96-13-1) 420 ва 156 нинг умумий бўлувчилари нечта?
 A)7 B)5 C)6 D)4 E)8
7. (97-4-1) n рақамининг қандай қийматларида $10 + n$ ва 10 сонларининг энг кичик умумий карралиси 60 бўлади?
 A)2 B)0 C)5; 2 D)2; 0 E)5
8. (97-5-10) Қайси жуфтлик ўзаро туб сонлардан иборат?
 A)(8; 14) B)(11; 22) C)(12; 35)
 D)(12; 34) E)(10; 26)
9. (97-8-5) Қуйидаги мулоҳазаларнинг қайси бири натурал сонларга нисбатан нотўғри?
 A) берилган сонларга бўлинадиган сонларнинг энг кичиги бу сонларнинг энг кичик карралиси бўлади.
 B) 3 ҳамда 4 га бўлинган сон 12 га ҳам бўлинади.
 C) охирги рақами 0 ёки 4 бўлган сон 4 га бўлинади.
 D) охирги рақами 0 ёки 5 бўлган сон 5 га бўлинади.
 E) фақат ўзига ва бирга бўлинган 1 дан катта сон туб сон бўлади.

1.1.4 Умумий булувчи ва умумий каррали. ЭКУК ва ЭКУБ.

- (96-9-1) 594 ва 378 нинг умумий бўлувчилари нечта?
 A)8 B)7 C)9 D)5 E)6

Ечиш: Икки соннинг умумий бўлувчилари сони уларнинг энг катта умумий бўлувчисининг умумий бўлувчилари сонига тенг.

$$594 = 2 \cdot 3^3 \cdot 11, \quad 378 = 2 \cdot 3^3 \cdot 7$$

Бўлгани учун 594 ва 378 сонларининг энг катта умумий бўлувчиси $2^1 \cdot 3^3$ га тенг. 2,3, ..., p туб сонлар даражаларининг $l = 2^m \cdot 3^n \cdot \dots \cdot p^k$ қўпайтмаси шаклида ёзилган l сонининг бўлувчилари сони $(m+1)(n+1)\dots(k+1)$

10. (97-9-10) Қайси жуфтлик ўзаро туб сонлардан иборат?
 A)(21; 14) B)(21; 10) C)(12; 15)
 D)(10; 15) E)(8; 14)
11. (98-2-2) 8 ва 12 сонлари энг кичик умумий карралисининг натурал бўлувчилари нечта?
 A)6 B)7 C)8 D)9 E)10

12. (98-5-1) 312 ва 12 сонларнинг умумий бўлувчилари нечта?
A)2 B)4 C)3 D)6 E)1
13. (98-9-2) 15 ва 25 сонлари энг кичик умумий карралисининг натурал бўлувчилари нечта?
A)5 B)4 C)6 D)7 E)8
14. (98-10-1) 21 ва 35 сонларининг энг кичик умумий карралиси билан энг катта умумий бўлувчисининг йиғиндисини топинг.
A)108 B)110 C)112 D)109 E)114
15. (98-11-2) 270 ва 300 сонлари энг кичик умумий карралисининг 4 ва 6 сонларининг энг кичик умумий карралисига нисбатини топинг.
A)25 B)45 C)225 D)95 E)125
16. (99-2-4) 24; 18 ва 30 сонлари энг кичик умумий карралисининг энг катта умумий бўлувчисига нисбатини топинг.
A)90 B)72 C)48 D)30 E)60
17. (99-7-1) 56 ва 16 сонларининг умумий бўлувчилари нечта?
A)4 B)3 C)2 D)5 E)6
18. (00-3-3) Қуйидаги тасдиқларнинг қайсилари тўғри?
1) Тоқ ва жуфт сонлар доимо ўзаро туб;
2) Иккита жуфт сон ўзаро туб бўла олмайди;
3) Иккита турли туб сонлар доим ўзаро туб;
4) Иккита кетма-кет натурал сонлар доим ўзаро туб; 5) 39 ва 91 сонлари ўзаро туб
A) 1); 3); 5) B) 4); 5) C) 2); 3); 5)
D) 2); 3); 4) E) 3); 4)
19. (00-3-5) 72 ва 96 сонларининг энг кичик умумий карралисининг энг катта умумий бўлувчисига нисбатини топинг.
A)10 B)0,1 C)9 D)12 E) $\frac{1}{12}$
20. (00-7-2) 18 ва 12 сонлари энг кичик умумий карралисининг энг катта умумий бўлувчисига кўпайтмасини топинг.
A) 220 B) 218 C) 214 D) 216 E) 212
21. (00-7-7) 9, 10, 22 ва 25 сонлари орасида нечта ўзаро туб сонлар жуфти бор.
A) 4 B) 3 C) 2 D) 6 E) 5
22. (00-10-2) 108 ва 135 сонларининг энг кичик умумий карралисини 12 ва 54 сонлари энг кичик умумий карралисига нисбатини топинг.
A) 8 B) 5 C) 12 D) 6 E) 10
23. (99-8-19) Икки соннинг кўпайтмаси 294 га, уларнинг энг катта умумий бўлувчиси 7 га тенг.

Бу сонларнинг энг кичик умумий карралисини топинг.

A)42 B)52 C)56 D)49 E)70

24. (01-12-1) Дастлабки 30 та натурал сонлар ичида 6 сони билан ўзаро туб бўлган сонлар нечта?
A)7 B)8 C)9 D)10 E)11

25. (02-5-5) 36 нинг натурал бўлувчилари нечта?
A)5 B)7 C)8 D)9 E)4

1.1.5 Охирги рақам.

(96-13-11) 2^{100} нинг охирги рақамини топинг.
A)2 B)0 C)4 D)6 E)8

Ечиш: 2 сони даражаларининг охирги рақамлари ҳар 4-даражадан кейин такрорланиб келишини кузатиш мумкин:

$$2^1 = 2; 2^2 = 4; 2^3 = 8; 2^4 = 16; 2^5 = 32;$$

$$2^6 = \dots 4; 2^7 = \dots 8; 2^8 = \dots 6; \dots$$

2 нинг даража кўрсаткичи 4 га бўлинса, у сон 6 билан тугар экан. ж: 6 (D).

- (96-3-71) 8^{99} нинг охирги рақамини топинг.
A)0 B)2 C)4 D)6 E)8
- (96-9-11) 7^{100} нинг охирги рақамини топинг.
A)3 B)5 C)7 D)9 E)1
- (96-12-69) 3^{101} нинг охирги рақамини топинг.
A)3 B)1 C)7 D)9 E)5
- (97-1-2) Айирма қандай рақам билан тугайди?
 $17 \cdot 28 \cdot 41 \cdot 35 - 24 \cdot 12 \cdot 87$
A)0 B)2 C)4 D)6 E)8
- (97-5-13) 6^{1971} нинг охирги рақамини топинг.
A)2 B)6 C)8 D)4 E)1
- (97-6-2) Йиғиндининг охирги рақамини топинг
 $16 \cdot 27 \cdot 38 \cdot 19 + 22 \cdot 43 \cdot 98$
A)8 B)6 C)4 D)2 E)0
- (97-9-13) 2^{1971} нинг охирги рақамини топинг.
A)2 B)6 C)4 D)8 E)0
- (97-11-2) Йиғиндисини охирги рақамини топинг.
 $15 \cdot 25 \cdot 37 \cdot 43 + 34 \cdot 48 \cdot 77$
A)4 B)9 C)0 D)5 E)7

9. (99-1-2) Айирманинг охирги рақамини топинг.

$$9^{20} - 7^{20}$$

A)0 B)7 C)1 D)3 E)2

10 (99-6-7) Ифоданинг қиймати қандай рақам билан тугайди?

$$11^6 + 14^6 - 13^3 - 8$$

A)1 B)2 C)3 D)4 E)6

11 (99-6-11) Йиғинди қандай рақам билан тугайди?

$$9^{1996} + 9^{1997}$$

A)0 B)1 C)2 D)3 E)5

12 (99-8-8) Охирги рақами 3 га тенг бўлган 13 та кўпайтувчининг кўпайтмаси қандай рақам билан тугайди

A)3 B)1 C)9 D)7 E)6

13 (00-1-2) 1 дан 50 гача бўлган сонларнинг кўпайтмаси нечта нол билан тугайди?

A)14 B)10 C)13 D)11 E)12

14 (00-2-9) Ушбу $1 \cdot 2 \cdot 3 \cdot \dots \cdot 50$ кўпайтма нечта нол билан тугайди?

A)8 B)10 C)9 D)14 E)12

15 (00-3-8) Айирманинг охирги рақамини топинг.

$$1 \cdot 2 \cdot 3 \cdot 4 \dots 26 \quad 27 - 1 \cdot 3 \cdot 5 \cdot 7 \dots 25 \cdot 27$$

A) 4 B) 3 C) 5 D) 6 E) 8

16 (00-5-2) 3^{2000} сони қандай рақам билан тугайди?

A) 0 B) 1 C) 2 D) 3 E) 7

17 (00-6 1) 10 дан бошлаб 75 дан катта бўлмаган барча натурал сонларни кўпайтириш натижасида ҳосил бўлган соннинг охирида нечта нол катнашади

A) 15 B) 16 C) 17 D) 18 E) 14

18. (01-2-4) Ушбу

$$43^{43} - 17^{17}$$

айирмани 10 га бўлганда ҳосил бўладиган қолдиқни топинг.

A)3 B)2 C)4 D)0 E)7

2. (02-9-7)

$$1998^{2002} - 1997^{2001}$$

йиғиндининг охирги рақамини топинг.

A)7 B)5 C)3 D)1 E)9

1.1.6 Бутун сонлар.

(97-12-7) Қуйидаги ифодаларнинг қайси бири 1 га тенг?

A) $(-(-1)^2)^3$ B) $((-1)^3)^3$ C) $(-(-1)^4)^5$
D) $((-1)^5)^3$ E) $((-1)^3)^4$

Ечиш: -1 нинг жуфт даражаси 1 га тенг бўлгани учун

$$((-1)^3)^4 = (-1)^4 = 1$$

ж: (E)

1 (96-3-6) Ҳисобланг.

$$-8 + 6 : (-2) - 2 \cdot (-11)$$

A)23 B)11 C) - 11 D) - 10 E)143

2. (96-6-9) Қуйидаги ифодалардан қайси бири -1 га тенг?

A) $((-1)^2)^3$ B) $(-(-1)^2)^3$ C) $((-1)^3)^2$
D) $(-(-1)^3)^3$ E) $-((-1)^5)^3$

3. (96-11-6) Ҳисобланг.

$$-8 - 6 : (-2) - 2 \cdot (-11)$$

A)17 B) - 55 C)55 D)77 E) - 77

4. (96-12-6) Ҳисобланг.

$$8 + 6 : (-2) - 2 \cdot (-11)$$

A)99 B)15 C)33 D) - 52 E)27

5. (97-2-9) Қуйидаги ифодалардан қайси бири 1 га тенг?

A) $(-(-1)^2)^3$ B) $((-1)^3)^5$ C) $-((-1)^5)^4$
D) $((-1)^3)^4$ E) $-((-1)^2)^3$

6. (97-8-9) Қуйидагилардан қайси бири -1 га тенг?

A) $((-1)^3)^2$ B) $(-(-1)^3)^6$ C) $(-(-1)^2)^4$
D) $-((-1)^3)^4$ E) $((-1)^2)^4$

7. (99-3-2) Ҳисобланг.

$$1 - 3 + 5 - 7 + 9 - 11 + \dots + 97 - 99$$

A) -46 B) -48 C) -50 D) -52 E) -54

8. (01-1 2) Йиғиндини ҳисобланг.

$$4 - 7 + 8 - 11 + 12 - 15 + \dots + 96 - 99$$

A) - 75 B) - 80 C) - 72 D) - 63 E) - 60

1.2 Касрлар.

1.2.1 Оддий касрлар.

$$1. \frac{-a}{-b} = \frac{a}{b};$$

$$2. \frac{a+b-c}{m} = \frac{a}{m} + \frac{b}{m} - \frac{c}{m};$$

$$3. \frac{ab}{c} = \frac{a}{m} \cdot b = \frac{b}{m} \cdot a;$$

$$4. \frac{a}{c} + \frac{b}{c} = \frac{a+b}{c}$$

$$5. \frac{a}{b} + \frac{c}{d} = \frac{ad+bc}{bd}$$

$$6. \frac{-a}{b} = \frac{a}{-b} = -\frac{a}{b}$$

$$7. c \frac{a}{b} = \frac{ca}{b}$$

$$8. \frac{a}{b} : \frac{c}{d} = \frac{ad}{bc}$$

$$9. \frac{a}{b} \cdot \frac{c}{d} = \frac{ac}{bd}$$

$$10. c : \frac{a}{b} = \frac{cb}{a}$$

$$11. \frac{a}{b} = \frac{ac}{bc} = \frac{a:c}{b:c}$$

$$12. \frac{a}{b} : c = \frac{a}{bc}$$

(00-6-16) Ҳисобланг.

$$\frac{1}{2 \cdot 5} + \frac{1}{5 \cdot 8} + \frac{1}{8 \cdot 11} + \frac{1}{11 \cdot 14} + \frac{1}{14 \cdot 17}$$

A) $\frac{15}{34}$ B) $\frac{5}{17}$ C) $\frac{5}{34}$ D) $\frac{16}{173}$ E) $\frac{15}{136}$

Ечиш: Ҳар бир махраждаги кўпайтувчилар 3 га фарқ қилади. Ихтиёрӣ n натурал сон учун

$$\frac{1}{n(n+3)} = \frac{1}{3} \left(\frac{1}{n} - \frac{1}{n+3} \right) \text{ эканидан}$$

$$\begin{aligned} & \frac{1}{3} \cdot \left(\frac{1}{2} - \frac{1}{5} \right) + \frac{1}{3} \cdot \left(\frac{1}{5} - \frac{1}{8} \right) + \frac{1}{3} \cdot \left(\frac{1}{8} - \frac{1}{11} \right) + \\ & + \frac{1}{3} \cdot \left(\frac{1}{11} - \frac{1}{14} \right) + \frac{1}{3} \cdot \left(\frac{1}{14} - \frac{1}{17} \right) = \frac{1}{3} \left(\frac{1}{2} - \frac{1}{5} + \right. \\ & \left. + \frac{1}{5} - \frac{1}{8} + \frac{1}{8} - \frac{1}{11} + \frac{1}{11} - \frac{1}{14} + \frac{1}{14} - \frac{1}{17} \right) = \\ & = \frac{1}{3} \left(\frac{1}{2} - \frac{1}{17} \right) = \frac{5}{34} \end{aligned}$$

ни ҳосил қиламиз. ж: $\frac{5}{34}$ (C)

1. (96-1-8) $\frac{9}{11}$ ва 1 сонлари орасида махражи 33 га тенг бўлган нечта каср сон бор?
A)2 B)1 C)5 D)6 E)4

2. (96-3-12) Ҳисобланг.

$$-\frac{1}{2} - \frac{1}{3}$$

A) $\frac{5}{6}$ B) $-\frac{2}{5}$ C) $\frac{2}{5}$ D) $-\frac{5}{6}$ E) $\frac{1}{5}$

3. (96-3-13) Айирмани топинг.

$$\frac{1}{2} - \frac{2}{3}$$

A) $\frac{1}{6}$ B)1 C) $-\frac{1}{3}$ D) -1 E) $-\frac{1}{6}$

4. (96-11-13) Ҳисобланг.

$$-\frac{1}{4} - \frac{1}{5}$$

A) $-\frac{9}{20}$ B) $-\frac{2}{5}$ C) $-\frac{1}{10}$ D) $\frac{9}{20}$ E) $\frac{2}{5}$

5. (96-11-14) Айирмани топинг.

$$\frac{1}{4} - \frac{4}{5}$$

A) $-\frac{11}{20}$ B) -1 C) $-\frac{7}{20}$ D) $\frac{13}{20}$ E) $\frac{3}{20}$

6. (96-12-13) Ҳисобланг.

$$-\frac{1}{3} - \frac{1}{4}$$

A) $-\frac{2}{7}$ B) $-\frac{7}{12}$ C) $\frac{1}{6}$ D) $-\frac{1}{6}$ E) $\frac{7}{12}$

7. (96-12-14) Айирмани топинг.

$$\frac{1}{3} - \frac{3}{4}$$

A) $-\frac{1}{6}$ B) $-\frac{5}{12}$ C) $\frac{1}{6}$ D) $\frac{5}{12}$ E) -1

8. (98-7-5) Ҳисобланг.

$$243 : (9 : 11)$$

A)27 B) $2\frac{5}{11}$ C) $\frac{11}{27}$ D) $198\frac{9}{11}$ E)297

9. (98-10-8) Касрнинг қиймати 40 дан қанчага кам?

$$\frac{(20-48)(-5-20)}{-5}$$

A)160 B)140 C)180 D)200 E)120

10. (99-8-16) $\frac{1}{243}$ сонини 9 асосли даража шаклида ифодаланг.

A) $9^{-5/2}$ B) $9^{-3/4}$ C) $9^{-5/3}$ D) $9^{-3/2}$ E) $9^{-5/4}$

Касрлар

11. (00-5-9) Кўпайтмани ҳисобланг.

$$\left(1 - \frac{1}{2}\right) \left(1 - \frac{1}{3}\right) \cdot \left(1 - \frac{1}{4}\right) \cdot \left(1 - \frac{1}{5}\right) \cdot \left(1 - \frac{1}{6}\right)$$

A) $\frac{1}{3}$ B) $\frac{1}{4}$ C) $\frac{1}{5}$ D) $\frac{1}{6}$ E) $\frac{1}{7}$

12. (96-3-9) Ифоданинг қийматини топинг.

$$-\frac{3}{15} + \frac{1}{5} - \frac{1}{3}$$

A) $-\frac{19}{30}$ B) $-\frac{1}{3}$ C) $\frac{19}{30}$ D) $\frac{1}{3}$ E) $\frac{3}{13}$

13. (96-3-10) Ифодани ҳисобланг.

$$\frac{1}{3} \cdot \left(-\frac{2}{7}\right) : \left(-\frac{5}{42}\right)$$

A) $-\frac{4}{5}$ B) $\frac{5}{441}$ C) $\frac{10}{882}$ D) $-\frac{5}{441}$ E) $\frac{4}{5}$

14. (96-11-9) Ифоданинг қийматини топинг.

$$-\frac{3}{15} + \frac{1}{5} + \frac{1}{3}$$

A) $-\frac{1}{3}$ B) $\frac{2}{15}$ C) $\frac{7}{15}$ D) $\frac{1}{3}$ E) $\frac{4}{15}$

15. (96-11-11) Ҳисобланг.

$$\left(-\frac{1}{3}\right) \cdot \frac{2}{7} : \frac{5}{42}$$

A) $\frac{4}{5}$ B) $\frac{5}{441}$ C) $-\frac{4}{5}$ D) $\frac{10}{882}$ E) $-\frac{5}{441}$

16. (96-12-9) Ифоданинг қийматини топинг.

$$\frac{3}{15} - \frac{1}{5} - \frac{1}{3}$$

A) $\frac{1}{3}$ B) $-\frac{3}{10}$ C) $\frac{3}{10}$ D) $\frac{1}{7}$ E) $-\frac{1}{3}$

17. (96-12-10) Ҳисобланг.

$$-\frac{1}{3} \cdot \left(-\frac{2}{7}\right) : \frac{5}{42}$$

A) $\frac{5}{441}$ B) $\frac{4}{5}$ C) $-\frac{5}{441}$ D) $-\frac{4}{5}$ E) $\frac{10}{882}$

18. (97-7-11) Ҳисобланг

$$2 \cdot 4^{-2} + \left(\frac{2}{3}\right)^{-3} - \left(\frac{1}{5}\right)^0$$

A) $3\frac{1}{2}$ B) $4\frac{2}{3}$ C) 2 D) 2,5 E) 0

19. (97-10-11) Ҳисобланг

$$12 \cdot 3^{-3} + \left(\frac{3}{5}\right)^{-2} - \left(\frac{1}{2}\right)^0$$

A) 2 B) $2\frac{2}{9}$ C) $4\frac{1}{3}$ D) $3\frac{2}{9}$ E) 0

20. (00-8-51) Ҳисобланг.

$$\frac{3375 - 1331}{4} : 511 - 1$$

A) -1 B) 0 C) 1 D) 25 E) -25

21. (96-1-24) Ҳисобланг.

$$\frac{9^2 \cdot 3^5}{81^2}$$

A) 1 B) 3 C) $\frac{1}{81}$ D) 9 E) 27

22. (96-9-65) Ҳисобланг.

$$\frac{27^3}{3^4 \cdot 9^2}$$

A) 3 B) $\frac{1}{3}$ C) 1 D) 9 E) $\frac{1}{9}$

23. (98-5-12) Ҳисобланг.

$$\frac{1}{1 - \frac{1}{1-2-1}} + \frac{1}{1 + \frac{1}{1+2-1}}$$

A) $\frac{2}{5}$ B) $\frac{2}{3}$ C) $-\frac{2}{5}$ D) $\frac{1}{2}$ E) $-\frac{4}{5}$

24. (98-7-2) Ҳисобланг.

$$\frac{488 \cdot 475 - 462}{244 + 475 \cdot 243}$$

A) 3 B) 1 C) $\frac{1}{2}$ D) 2 E) $1\frac{1}{2}$

25. (98-7-24) Ҳисобланг.

$$\frac{5(3 \cdot 7^{15} - 19 \cdot 7^{14})}{7^{16} + 3 \cdot 7^{15}}$$

A) 7 B) 49 C) $\frac{1}{7}$ D) $\frac{1}{49}$ E) 3

26. (98-12-2) Ҳисобланг.

$$\frac{244 \cdot 395 - 151}{244 + 395 \cdot 243}$$

A) 1 B) 2 C) 3 D) $1\frac{1}{2}$ E) $\frac{1}{2}$

27. (98-12-23) Ҳисобланг.

$$\frac{5 \cdot 2^{32} - 4 \cdot 2^{30}}{4^{16}}$$

A) 4 B) 2 C) 5 D) 16 E) $\frac{1}{4}$

28. (99-6-1) Ҳисобланг.

$$\frac{10^9 \cdot 3^5}{3^3 \cdot 10^{11}}$$

A) 0,09 B) 0,9 C) 9 D) 0,03 E) 0,3

29. (99-7-14) Ҳисобланг.

$$\frac{2}{1 + \frac{1}{1+2-\tau}} - \frac{2}{1 + \frac{1}{1-2-\tau}}$$

A) $\frac{7}{15}$ B) $\frac{1}{2}$ C) $\frac{11}{18}$ D) $\frac{8}{13}$ E) $\frac{1}{3}$

30. (97-4-18) Ҳисобланг.

$$\frac{110^6 \cdot 77^4}{55^8 \cdot 154^2}$$

A) 30 B) $30\frac{9}{25}$ C) $31\frac{1}{25}$ D) $31\frac{9}{25}$ E) 31

31. (97-9-78) Ҳисобланг.

$$\frac{72^8 \cdot 24^4}{36^8 \cdot 8^3}$$

A) 24 B) 32 C) 16 D) 36 E) 28

32. (98-5-5) Ҳисобланг.

$$\frac{1000^{10}}{(700 - 200)^{12}} \cdot 500^2$$

A) 512 B) 1000 C) 2048 D) 1024 E) 500

33. (99-7-7) Ҳисобланг.

$$\frac{100^5}{(80 + 20)^{10}} \cdot 50^5$$

A) $\frac{1}{32}$ B) 16 C) 8 D) $\frac{1}{64}$ E) $\frac{1}{128}$

34. (96-9-58)
- $\frac{3}{4}$
- ва
- $\frac{8}{9}$
- сонлари орасида махражи 36 га тенг бўлган нечта қаср сон бор?

A) 1 B) 2 C) 3 D) 4 E) 5

35. (96-10-8)
- $\frac{2}{3}$
- дан катта ва
- $\frac{5}{6}$
- дан кичик бўлган, махражи 30 га тенг бўлган нечта қаср мавжуд?

A) 1 B) 2 C) 4 D) 5 E) 3

36. (98-7-15) Ушбу
- $m = \frac{119}{120}$
- ва
- $n = \frac{240}{242}$
- ; сонлар учун қуйидаги муносабатлардан қайси бири тўғри?

A) $n > m$ B) $n < m$ C) $n = m$

D) $n - 1 = m$ E) $n = \frac{2m+2}{242}$

37. (98-10-7) сонларини ўсиш тартибида жойлаштирилинг

$$a = \frac{49}{150}; b = \frac{102}{300}; c = \frac{22}{75}$$

A) $a < c < b$ B) $b < c < a$ C) $c < a < b$

D) $b < c < a$ E) $a < b < c$

38. (98-10-53) Сонларни ўсиш тартибида жойлаштирилинг.

$$a = \frac{5}{11}, b = \frac{6}{13} \text{ ва } c = \frac{7}{15}$$

A) $a < b < c$ B) $b < a < c$ C) $b < c < a$

D) $c < b < a$ E) $c < a < b$

39. (98-12-14)
- $m = \frac{1107}{1109}$
- ,
- $n = \frac{2216}{2220}$
- сонлари учун қуйидаги муносабатлардан қайси бири тўғри?

A) $m < n$ B) $m > n$ C) $m = n$

D) $n = m + 1$ E) $n = \frac{2m+2}{2220}$

40. (99-4-10) Сонларини камайиш тартибида жойлаштирилинг.

$$a = \frac{7}{36}, b = \frac{11}{34}, c = \frac{7}{32}, d = \frac{9}{25}$$

A) $a > b > c > d$ B) $b > a > d > c$

C) $d > a > b > c$ D) $a > c > b > d$

E) $d > b > c > a$

41. (00-5-7)
- $\frac{1}{30}$
- ва
- $\frac{1}{45}$
- қаср умумий махражининг барча натурал бўлувчилари сони нечта?

A) 11 B) 7 C) 12 D) 11 E) 8

42. (98-12-62) Ҳисобланг.

$$\frac{1}{1 \cdot 2} + \frac{1}{2 \cdot 3} + \frac{1}{3 \cdot 4} + \dots + \frac{1}{999 \cdot 1000}$$

A) 0,750 B) 1,125 C) 0,998

D) 1,450 E) 0,999

43. (00-2-4) Ҳисобланг.

$$\frac{1}{15} + \frac{1}{35} + \frac{1}{63} + \frac{1}{99} + \frac{1}{143} + \frac{1}{195}$$

A) $\frac{4}{15}$ B) $\frac{7}{15}$ C) $\frac{17}{45}$ D) $\frac{11}{15}$ E) $\frac{2}{15}$

44. (00-3-15) Ҳисобланг.

$$\frac{1}{1 \cdot 3} + \frac{1}{3 \cdot 5} + \frac{1}{5 \cdot 7} + \dots + \frac{1}{13 \cdot 15}$$

A) $\frac{11}{15}$ B) $\frac{7}{30}$ C) $\frac{8}{15}$ D) $\frac{7}{15}$ E) $\frac{2}{5}$

45. (00-8-57) Йиғиндини ҳисобланг.

$$\frac{1}{1 \cdot 2} + \frac{1}{2 \cdot 3} + \frac{1}{3 \cdot 4} + \dots + \frac{1}{99 \cdot 100}$$

A) $\frac{1}{9}$ B) $\frac{1}{10}$ C) $\frac{1}{100}$ D) $\frac{1}{99}$ E) $\frac{99}{100}$

46. (00-9-10) Ҳисобланг.

$$\frac{1}{15} + \frac{1}{35} + \frac{1}{63} + \frac{1}{99} + \dots + \frac{1}{255}$$

A) $\frac{7}{51}$ B) $\frac{2}{15}$ C) $\frac{2}{25}$ D) $\frac{3}{35}$ E) $\frac{7}{40}$

47 (99-5-1) Ҳисобланг

$$\frac{1}{12} + \frac{1}{20} + \frac{1}{30} + \frac{1}{42} + \dots + \frac{1}{182}$$

A) $\frac{11}{42}$ B) $\frac{10}{33}$ C) $\frac{1}{4}$ D) $\frac{12}{35}$ E) $\frac{15}{56}$

48 (01-5-2) Ҳисобланг

$$\frac{2^{-2} \cdot 5^3 \cdot 10^{-4}}{2^{-3} \cdot 5^2 \cdot 10^{-5}}$$

A) 100 B) 0,01 C) 2 D) 5 E) 10

49 (01-7-5) Махражи 27 га тенг, $\frac{2}{3}$ дан катта ва 1 дан кичик, қисқармас касрлар нечта?

A) 4 B) 5 C) 6 D) 7 E) 8

50 (02-1-3)

$$\frac{(-2) \cdot (-3)^{17} - (-3)^{16}}{9^7 \cdot 15}$$

соннинг учдан бир қисмини топинг.

A) 1 B) 3 C) 2 D) 9 E) 6

51 (02-3-3) $\frac{3}{7}, \frac{4}{17}, \frac{21}{23}$ сонларига бўлганда, бутун сон чиқадиган энг кичик натурал сонни топинг

A) 84 B) 36 C) 42 D) 63 E) 34

52 (02-7-55)

$$\frac{1}{2 + \frac{1}{3 + \frac{1}{1 + \frac{1}{2}}}}$$

нинг қийматини топинг

A) $\frac{11}{25}$ B) $\frac{17}{25}$ C) $\frac{1}{4}$ D) $\frac{3}{4}$ E) $\frac{13}{25}$

1.2.2 Бутун ва каср қисмли сонлар.

(97-10-6) Ҳисобланг

$$1 \frac{8}{17} \cdot 3 \frac{2}{5} : \frac{11}{12} \cdot 2 \frac{1}{5} : \frac{4}{9}$$

A) 2,7 B) $24 \frac{3}{17}$ C) 27 D) $29 \frac{1}{5}$ E) $7 \frac{1}{3}$

Е.иш: Аввал касрларни нотўғри касрга келтирамиз сўнгра уларнинг сурат ва махражларини қисқартирамиз

$$\begin{aligned} & 1 \frac{8}{17} \cdot 3 \frac{2}{5} \cdot \frac{11}{12} \cdot 2 \frac{1}{5} : \frac{4}{9} = \\ & = \frac{25}{17} \cdot \frac{17}{5} \cdot \frac{12}{11} \cdot \frac{11}{5} \cdot \frac{9}{4} = 27 \end{aligned}$$

ж 27 (C)

1 (96-3-14) Ушбу $\left(-2 \frac{1}{2}\right)^3$ ифодани ҳисобланг.

A) $8 \frac{1}{8}$ B) $2 \frac{1}{8}$ C) $31 \frac{1}{4}$ D) $-8 \frac{1}{8}$ E) $-15 \frac{5}{8}$

2. (96-12-15) Ҳисобланг.

$$\left(-1 \frac{1}{2}\right)^3$$

A) $6 \frac{3}{4}$ B) $1 \frac{1}{8}$ C) $-3 \frac{3}{8}$ D) $-1 \frac{1}{8}$ E) $-2 \frac{1}{4}$

3. (97-5-9) Амални бажаринг:

$$1 \frac{3}{5} - 3 \frac{1}{5}$$

A) $-1 \frac{2}{5}$ B) $1 \frac{2}{5}$ C) $1 \frac{3}{5}$ D) $2 \frac{2}{5}$ E) $-1 \frac{3}{5}$

4. (97-9-9) Амални бажаринг.

$$3 \frac{4}{7} - 5 \frac{2}{7}$$

A) $-1 \frac{5}{7}$ B) $1 \frac{4}{7}$ C) $1 \frac{5}{7}$ D) $-\frac{4}{7}$ E) $1 \frac{2}{7}$

5. (96-7-6) Ҳисобланг:

$$5 \frac{5}{7} : 2 \frac{2}{5} \cdot 5 \frac{1}{4} : 1 \frac{1}{6} \cdot \frac{2}{3}$$

A) $7 \frac{1}{7}$ B) $8 \frac{1}{7}$ C) $6 \frac{6}{7}$ D) $5 \frac{5}{7}$ E) $4 \frac{5}{6}$

6 (96-7-9) Ҳисобланг

$$\left(7 \frac{1}{3} - 6 \frac{7}{8}\right) : \frac{3}{4} + 8 \frac{8}{9} \cdot 2 \frac{1}{80}$$

A) $17 \frac{2}{3}$ B) $18 \frac{1}{2}$ C) $21 \frac{1}{2}$ D) $16 \frac{1}{3}$ E) $17 \frac{1}{2}$

7. (96-7-11) Ҳисобланг

$$\left(\frac{1}{7}\right)^0 + 6 \cdot 2^{-3} + \left(\frac{2}{5}\right)^{-2}$$

A) 8 B) $7 \frac{1}{7}$ C) 7 D) $-4 \frac{4}{25}$ E) -7

8. (96-11-15) Ҳисобланг. $\left(-1 \frac{1}{3}\right)^3$

A) $-2 \frac{10}{27}$ B) $2 \frac{10}{27}$ C) $1 \frac{1}{27}$
D) $-\frac{1}{27}$ E) $-1 \frac{1}{27}$

9 (97-1-3) Ҳисобланг

$$1 \frac{1}{4} + \frac{5}{12} : \left(\frac{1}{3} \cdot 2 \frac{1}{2} - \frac{7}{8}\right)$$

A) $11 \frac{1}{4}$ B) $-1 \frac{1}{4}$ C) $9 \frac{1}{4}$
D) $-8 \frac{3}{4}$ E) $-9 \frac{1}{4}$

10 (97-3-6) Ҳисобланг.

$$\frac{3}{4} \cdot 1 \frac{1}{7} : \frac{2}{15} \cdot 12 \frac{1}{4} : 7 \frac{1}{2}$$

A) $10 \frac{1}{2}$ B) 11 C) $9 \frac{1}{4}$ D) $7 \frac{1}{2}$ E) $5 \frac{1}{7}$

11 (97-3-9) Ҳисобланг

$$\left(5\frac{3}{4} - 4\frac{8}{9}\right) \cdot 2 + 67\frac{1}{2} : 2\frac{1}{7}$$

A) $24\frac{1}{3}$ B) $33\frac{2}{9}$ C) $36\frac{1}{9}$ D) $31\frac{1}{3}$ E) $28\frac{2}{3}$

12 (97-3-11) Ҳисобланг

$$4\frac{1}{2} \cdot 6^{-2} + \left(\frac{2}{5}\right)^{-3} - \left(\frac{2}{5}\right)^0$$

A) $15\frac{3}{4}$ B) $15\frac{1}{8}$ C) $11\frac{3}{5}$ D) $6\frac{3}{8}$ E) $14\frac{3}{4}$

13 (97-6-3) Ҳисобланг

$$\left(\frac{5}{9} - 1\frac{1}{6} \cdot \frac{1}{2}\right) : \frac{5}{9} + \frac{1}{3}$$

A) $\frac{3}{20}$ B) $\frac{17}{60}$ C) $\frac{7}{30}$ D) $-\frac{7}{60}$ E) $-\frac{11}{30}$

14. (97-7-6) Ҳисобланг.

$$\frac{42}{95} \cdot 1\frac{3}{14} : \frac{3}{5} : 2 \cdot 4\frac{3}{4}$$

A) $\frac{13}{8}$ B) $1\frac{3}{8}$ C) $2\frac{1}{8}$ D) $1\frac{5}{7}$ E) $2\frac{3}{5}$

15 (97-7-9) Ҳисобланг

$$\left(4\frac{1}{10} - 3\frac{4}{15}\right) \cdot \frac{5}{6} + 4\frac{1}{10} : 1\frac{1}{5}$$

A) $3\frac{5}{9}$ B) $4\frac{1}{9}$ C) $5\frac{2}{3}$ D) $2\frac{3}{5}$ E) $3\frac{7}{9}$

16 (97-10-9) Ҳисобланг

$$\left(12\frac{1}{9} - 10\frac{2}{5}\right) \cdot 38\frac{1}{2} + 2\frac{8}{9} \cdot 18$$

A) $24\frac{1}{15}$ B) $32\frac{7}{45}$ C) $38\frac{3}{5}$ D) 47 E) $52\frac{2}{45}$

17 (97-11-3) Ҳисобланг

$$\left(3\frac{17}{36} - 5\frac{7}{12}\right) : \frac{2}{9} - \frac{3}{26} \cdot 4\frac{1}{3}$$

A) -9 B) $8\frac{1}{2}$ C) 9 D) -10 E) $-9\frac{1}{2}$

18 (98-3-8) Ҳисобланг

$$3\frac{1}{3} \cdot 2\frac{1}{4} \cdot \left(-\frac{1}{2}\right) \cdot \frac{4}{5}$$

A) 3 B) -3 C) 2,5 D) -2,5 E) -4

19 (98-6-8) Ҳисобланг

$$\left(1992\frac{3}{5} - 1990\frac{2}{3}\right) \cdot 1\frac{1}{29}$$

A) $-2\frac{14}{435}$ B) $\frac{14}{435}$ C) 2 D) -2 E) $2\frac{1}{58}$

20. (98-10-9) Ҳисобланг.

$$\left(4\frac{5}{8} \cdot 4\frac{1}{5} \cdot \frac{8}{37} - 3\frac{3}{5}\right)^{-1}$$

A) $1\frac{3}{5}$ B) $1\frac{2}{5}$ C) $1\frac{3}{4}$ D) $1\frac{2}{3}$ E) $1\frac{1}{3}$ 21. (98-10-55) $5\frac{7}{12}$ сон $11\frac{1}{6}$ га кўпайган бўлса, у неча марта кўпайган?

A) 3 B) 2 C) 2,5 D) 3,5 E) 1,75

22. (98-10-56) Ҳисобланг.

$$2\frac{2}{3} \cdot 1\frac{1}{7} \cdot 3\frac{3}{7} \cdot \left(-\frac{1}{4}\right)$$

A) 4 B) 3 C) -2 D) $\frac{2}{7}$ E) $\frac{7}{4}$

23 (98-11-58) Ҳисобланг

$$\left(1997\frac{3}{5} - 1996\frac{1}{6}\right) \cdot 1\frac{1}{29}$$

A) $\frac{13}{29}$ B) $2\frac{1}{29}$ C) $1\frac{13}{29}$ D) $3\frac{1}{29}$ E) $1\frac{14}{29}$

24. (98-12-11) Ҳисобланг.

$$\left(2\frac{1}{2} - 1\frac{3}{8}\right) \cdot \left(3\frac{1}{2} - \frac{3}{6}\right) \cdot 1\frac{1}{3}$$

A) 4 B) 8 C) $4\frac{1}{2}$ D) 12 E) 3

25 (99-4-2) Ҳисобланг

$$6\frac{3}{4} \cdot 5\frac{1}{4} - 4\frac{5}{8} \cdot 5\frac{3}{8}$$

A) $10\frac{19}{64}$ B) $11\frac{27}{64}$ C) $11\frac{9}{64}$ D) $10\frac{39}{64}$ E) $10\frac{37}{64}$

26. (99-4-11) Ҳисобланг

$$7\frac{5}{13} \cdot 2 - 1\frac{2}{5} \cdot 6 + 4 \cdot 2\frac{4}{13} - 3 \cdot 1\frac{1}{5}$$

A) $11\frac{2}{5}$ B) 12 C) 13,5 D) $11\frac{8}{13}$ E) 1427 (00-2-6) $\frac{11}{25}$ ва $4\frac{6}{11}$ сонларига тескари сонлар кўпайтмаси нечага тенг?A) $\frac{1}{2}$ B) 1 C) $\frac{3}{4}$ D) 2 E) $\frac{1}{3}$

28. (01-8-3) Ҳисобланг

$$5\frac{4}{19} \cdot 3\frac{4}{7} + 1\frac{15}{19} : \frac{7}{25} - 1\frac{2}{3}$$

A) $23\frac{2}{3}$ B) $23\frac{1}{3}$ C) $22\frac{2}{3}$ D) $24\frac{1}{3}$ E) $22\frac{1}{3}$

1.2.3 Ўнли касрлар.

(98-12-8) Ҳисобланг.

$$\frac{3,21 \cdot 5,95 - 4,44}{2,21 \cdot 5,95 + 1,51}$$

A) 1 B) 2 C) $\frac{1}{2}$ D) $1\frac{1}{2}$ E) $\frac{61}{186}$

Ечиш:

$$\begin{aligned} 3,21 \cdot 5,95 - 4,44 &= (2,21 + 1) \cdot 5,95 - 4,44 = \\ &= 2,21 \cdot 5,95 + 5,95 - 4,44 = 2,21 \cdot 5,95 + 1,51 \end{aligned}$$

эқанидан

$$\begin{aligned} &\frac{3,21 \cdot 5,95 - 4,44}{2,21 \cdot 5,95 + 1,51} = \\ &= \frac{2,21 \cdot 5,95 + 1,51}{2,21 \cdot 5,95 + 1,51} = 1 \end{aligned}$$

ни ҳосил қиламиз. ж: 1 (A)

1. (96-1-7) 0,6 га тесқари сонни топинг.

A) -0,6 B) $1\frac{2}{3}$ C) 0,4 D) -6 E) $\frac{3}{8}$

2. (96-9-57) 0,8 сонга тесқари сонни топинг.

A) -0,8 B) 8 C) $-\frac{5}{4}$ D) 1,25 E) 0,2

3. (96-10-7) -1,5 сонга тесқари сонни топинг.

A) 1,5 B) -0,75 C) $-\frac{2}{3}$ D) $\frac{2}{3}$ E) -3

4. (98-3-4) 0,0015 · 0,016 кўпайтма қуйидаги сонлардан қайси бирига тенг эмас?

A) $2,4 \cdot 10^{-5}$ B) $240 \cdot 10^{-7}$ C) $24 \cdot 10^{-6}$
D) $0,24 \cdot 10^{-4}$ E) $0,0024 \cdot 10^{-3}$

5. (98-10-4) Ҳисобланг.

$$2,014 : 0,19 - 2,5 \cdot 0,3$$

A) 20,85 B) 1,85 C) 8,85 D) 7,85 E) 9,85

6. (98-10-52) 0,0025 · 0,026 кўпайтма қуйидаги сонлардан қайси бирига тенг эмас?

A) $6,5 \cdot 10^{-5}$ B) $650 \cdot 10^{-7}$ C) $65 \cdot 10^{-6}$
D) $0,65 \cdot 10^{-4}$ E) $0,0065 \cdot 10^{-3}$

7. (99-4-7) 2,5 - 4,3 га тесқари сонни топинг.

A) 0,8 B) 1,8 C) $-\frac{5}{8}$ D) $-1\frac{1}{4}$ E) $\frac{5}{8}$

8. (00-5-13) Ифодани ҳисобланг.

$$3,8 \cdot (2,01 - 3,81)$$

A) 6,84 B) 5,82 C) -6,84
D) -5,82 E) 5,84

9. (01-8-17) Ҳисобланг.

$$0,21 : \left(0,05 + \frac{3}{20}\right) - 2,5 \cdot 1,4$$

A) -2,45 B) -2,55 C) -2 D) -3,35 E) -2,35

10. (01-2-11) Ҳисобланг.

$$4 - 3,3 : \left(2\frac{1}{7} - 1\frac{1}{5}\right)$$

A) 3,5 B) 2,5 C) -1,5 D) -2,5 E) 0,5

11. (00-5-17) Ифоданинг қийматини топинг.

$$-2,4 + 3\frac{1}{3} - (-2,6)$$

A) -10,6 B) 12,5 C) $3\frac{8}{15}$
D) -12,5 E) $-3\frac{8}{15}$

12. (00-5-18) Ҳисобланг.

$$\left(-\frac{3}{8}\right) \cdot (-32) + 0,5 \cdot (-8)$$

A) 8 B) 4 C) 6 D) 7 E) 10

13. (00-5-28) 0,0000087 сонини стандарт кўринишида ёзинг.

A) $8,7 \cdot 10^{-5}$ B) $8,7 \cdot 10^7$ C) $8,7 \cdot 10^{-6}$
D) $8,7 \cdot 10^{-7}$ E) $8,7 \cdot 10^{-4}$ 14. (98-3-5) Агар $a = \frac{5}{11}$, $b = \frac{3}{7}$ ва $c = \frac{6}{13}$ бўлса, a, b ва c ни ўсиш тартибида жойлаштиринг.A) $a; b; c$ B) $b; a; c$ C) $b; c; a$
D) $c; b; a$ E) $c; a; b$

15. (98-5-6) -5,2 билан 10,4 орасида нечта бутун сон бор?

A) 16 B) 10 C) 15 D) 12 E) 11

16. (98-7-11) Сон ўқида -4 дан 2,3 бирлик масофада жойлашган сонларни аниқланг.

A) -6,3 B) -6,3 ва 1,7 C) 6,3 ва 1,7
D) -6,3 ва -1,7 E) -1,7

17. (98-12-10) Сон ўқида -2 дан 4,7 бирлик масофада жойлашган сонларни аниқланг.

A) -6,7; 2,7 B) -6,7; -2,7 C) 6,7; 2,7
D) -6,7 E) -2,7

18. (99-7-8) Координаталари -3,2 ва 4,2 бўлган сонлар орасида нечта бутун сон бор?

A) 7 B) 6 C) 9 D) 8 E) 10

19. (96-1-5) Ҳисобланг.

$$\left(2,5 - 2\frac{1}{3}\right) \cdot 5,2 : 2\frac{3}{5}$$

A) $\frac{2}{3}$ B) $\frac{1}{3}$ C) 3 D) $\frac{3}{7}$ E) $2\frac{1}{3}$

20. (96-3-64) Ушбу

$$2,701 \cdot 10^{-4} + 3,205 \cdot 10^{-3}$$

ийфинди қуйидаги сонларнинг қайси бирига тенг?

A) $5,906 \cdot 10^{-3}$ B) $5,906 \cdot 10^{-4}$
C) $3,4751 \cdot 10^{-3}$ D) $3,0215 \cdot 10^{-4}$ E) $5,906 \cdot 10^{-7}$

21 (96-6-1) Ҳисобланг.

$$1,75 - \left(-1\frac{2}{7}\right) \cdot 6,5 \cdot \frac{7}{9}$$

A) - 4,75 B) 2,15 C) 8,25 D) 4,75 E) 7,55

22. (96-9-4) $1,011 \cdot 10^{-3} + 2,1 \cdot 10^{-4}$ йиғинди қуйидаги сонларнинг қайси бирига тенг?

A) $3,111 \cdot 10^{-3}$ B) $3,111 \cdot 10^{-4}$
C) $3,111 \cdot 10^{-7}$ D) $1,221 \cdot 10^{-3}$
E) $1,221 \cdot 10^{-4}$

23. (96-9-56) Ҳисобланг

$$6\frac{3}{8} - \left(2,5 - 2\frac{1}{3}\right) : 1\frac{1}{3}$$

A) $5\frac{2}{3}$ B) $6\frac{1}{4}$ C) $4\frac{1}{2}$ D) $2\frac{1}{3}$ E) $5\frac{1}{4}$

24. (96-10-25) Ҳисобланг.

$$\frac{0,5^5 \cdot 32^2}{4^3}$$

A) 2 B) $\frac{1}{2}$ C) 4 D) $\frac{1}{4}$ E) 8

25. (96-12-62) Йиғинди қуйидаги сонларнинг қайси бирига тенг?

$$1,015 \cdot 10^{-4} + 3,14 \cdot 10^{-5}$$

A) $4,155 \cdot 10^{-4}$ B) $4,155 \cdot 10^{-5}$ C) $4,155 \cdot 10^{-9}$
D) $1,329 \cdot 10^{-4}$ E) $1,329 \cdot 10^{-5}$

26 (96-13-4) Ушбу $3,104 \cdot 10^{-2} + 1,81 \cdot 10^{-3}$ йиғинди қуйидаги сонларнинг қайси бирига тенг?

A) $3,285 \cdot 10^{-3}$ B) $3,285 \cdot 10^{-2}$ C) $4,914 \cdot 10^{-2}$
D) $4,914 \cdot 10^{-3}$ E) $4,914 \cdot 10^{-5}$

27. (97-1-7) Ҳисобланг

$$\left(\frac{1}{6} - 1\frac{1}{15} + \frac{1}{10}\right) : 0,6 + 0,4$$

A) $1\frac{11}{15}$ B) 0,88 C) $-1\frac{1}{3}$ D) $-\frac{14}{15}$ E) - 0,08

28 (97-2-1) Ҳисобланг.

$$-1\frac{3}{4} \cdot 6,5 \cdot \left(-\frac{4}{7}\right) - 3,75$$

A) - 2,75 B) - 10,25 C) 2,75
D) 10,25 E) 3,75

29 (97-6-7) Ҳисобланг

$$0,8 + 0,2 : \left(\frac{7}{15} - 1\frac{1}{6} + \frac{9}{20}\right)$$

A) 0 B) 1 C) 1,6 D) - 0,6 E) - 1

30. (97-8-1) Ҳисобланг.

$$5,8 - \frac{3}{7} \cdot 2,2 \cdot \left(-2\frac{1}{3}\right)$$

A) 3,6 B) - 8 C) 8 D) - 3,6 E) 6

31. (97-11-7) Ҳисобланг.

$$0,2 + 1,8 \cdot \left(\frac{4}{9} - 1\frac{1}{2} + \frac{1}{6}\right)$$

A) - 1,4 B) 1,8 C) 0,04 D) - 0,36 E) - 2

32. (97-12-1) Ҳисобланг:

$$-\frac{8}{9} \cdot 12,25 \cdot 1\frac{1}{8} - (-2,25)$$

A) 10 B) - 14,5 C) - 10
D) 14,5 E) - 10,25

33. (98-1-3) Ҳисобланг.

$$19,9 \cdot 18 - 19,9 \cdot 16 + 30,1 \cdot 18 - 30,1 \cdot 16$$

A) 98 B) 100 C) 10 D) 110 E) 102

34. (98-1-5) Ҳисобланг.

$$1\frac{1}{6} + 1\frac{5}{6} \cdot (1,854 : 1,8 - 1,5 \cdot 2,02)$$

A) - 4 B) $-2\frac{5}{6}$ C) $-2\frac{1}{2}$ D) 4 E) $2\frac{1}{3}$

35. (98-1-7) Ҳисобланг.

$$\left(\frac{2}{3} : 3 - 1\right) \cdot 1,5^2 - 0,25$$

A) 1,5 B) - 2 C) - 5 D) - 0,2 E) - 1,5

36. (98-1-13) Ҳисобланг.

$$\frac{5}{6} + 2 \cdot (0,63 : 0,6 - 1,6)$$

A) $\frac{19}{30}$ B) $-1\frac{1}{6}$ C) $-\frac{4}{15}$ D) $-1\frac{4}{15}$ E) $\frac{8}{15}$

37. (98-8-3) Ҳисобланг.

$$109 \cdot 9,17 - 5,37 \cdot 72 - 37 \cdot 9,17 + 1,2 \cdot 72$$

A) 360 B) 350 C) 290 D) 380 E) 310

38. (98-8-5) Ҳисобланг.

$$\frac{3}{16} + \frac{1}{16} \cdot (0,312 : 0,3 - 3,15 \cdot 1,6)$$

A) $\frac{1}{4}$ B) $\frac{3}{16}$ C) $-\frac{1}{16}$ D) $-\frac{1}{8}$ E) $-\frac{5}{8}$

39. (98-8-7) Ҳисобланг.

$$\left(\frac{5}{6} \cdot 5 - 5\right) : \frac{2}{3} - 0,5^2$$

A) 1 B) -1 C) 0,5 D) -1,75 E) -1,5

40 (98-8-13) Ҳисобланг.

$$(0,98 - 0,312 : 0,3) \cdot 25 + \frac{1}{9}$$

A) $15\frac{1}{9}$ B) $-14\frac{8}{9}$ C) $-10\frac{7}{18}$ D) $-1\frac{7}{18}$ E) $1\frac{11}{18}$

41 (98-11-1) Ҳисобланг.

$$\left(-\frac{2}{3}\right)^2 \cdot (-0,75)^3 \cdot (1,5)^4 \cdot \left(-\frac{4}{3}\right)^3$$

A) 1,75 B) 2,75 C) 2,5 D) 2,25 E) 1,5

42. (98-12-60) Ҳисобланг.

$$\left(1\frac{1}{9} \cdot 0,27 - 3\frac{1}{3} \cdot 0,15\right) - 1500 \cdot (-0,1)^3$$

A) 1,3 B) 1,4 C) 1,5 D) 1,6 E) 1,7

43 (98-12-68) Ҳисобланг.

$$0,3^{-3} + \left(\frac{3}{7}\right)^{-1} + (-0,5)^{-2} \cdot \frac{3}{4} + (-1)^{-8} \cdot 6$$

A) $51\frac{5}{9}$ B) $42\frac{4}{9}$ C) $34\frac{2}{3}$ D) $48\frac{10}{27}$ E) $52\frac{2}{27}$

44 (99-4-4) Ҳисобланг

$$2,8 \cdot \left(2\frac{1}{3} : 2,8 - 1\right) + 2\frac{4}{5}$$

A) 5,6 B) $2\frac{2}{3}$ C) $2\frac{1}{3}$ D) 2,8 E) $3\frac{1}{3}$

45 (99-6-2) Ҳисобланг.

$$13,5 \cdot 5,8 - 8,3 \cdot 4,2 - 5,8 \cdot 8,3 + 4,2 \cdot 13,5$$

A) 42 B) 52 C) 50 D) 48 E) 54

46 (99-8-7) Ифоданинг қийматини топинг.

$$79,9 - 79,8 + 79,7 - 79,6 + 79,5 - 79,4 + \dots + \\ + 60,3 - 60,2 + 60,1 - 60$$

A) 100 B) 20 C) 10 D) 18,8 E) 9,9

47 (00-2-1) Ифоданинг қийматини топинг.

$$12,7 \cdot 64 + 173 \cdot 3,6 + 12,7 \cdot 36 + 17,3 \cdot 64$$

A) 3000 B) 1800 C) 2000 D) 3600 E) 2200

48. (00-6-2) Ҳисобланг.

$$(0,2 \cdot 0,1 - 0,1) : 0,25 + 0,75$$

A) 1,07 B) -2,45 C) 3,95
D) 0,43 E) 0,97

49. (00-6-3) Ифоданинг қийматини топинг.

$$\left(1\frac{2}{3} \cdot 2,2 + 1\right) : 2\frac{1}{5} - \frac{5}{11}$$

A) 1 B) 1,6 C) $2\frac{1}{3}$ D) 0,6 E) $1\frac{2}{3}$

50. (00-8-52) Ҳисобланг.

$$\left(-\frac{4}{6}\right) \cdot \left(\frac{8}{6}\right)^3 \cdot \left(-\frac{3}{2}\right)^2 \cdot (0,75)^3$$

A) 1,5 B) 1,75 C) 2,75 D) 2 E) -1,5

51. (96-1-3) Ифоданинг қийматини топинг.

$$\frac{6,8 \cdot 0,04 \cdot 1,65}{3,3 \cdot 5,1 \cdot 0,16}$$

A) 6 B) $\frac{1}{2}$ C) $\frac{2}{3}$ D) $\frac{1}{8}$ E) $\frac{5}{12}$

52. (96-9-54) Ифоданинг қийматини топинг.

$$\frac{0,7 \cdot 1,8 \cdot 2,6}{7,2 \cdot 7,8 \cdot 1,4}$$

A) $\frac{1}{24}$ B) $\frac{2}{5}$ C) 0,04 D) $\frac{1}{12}$ E) $\frac{2}{3}$

53. (96-10-3) Ифоданинг қиймати нечага тенг?

$$\frac{0,15 \cdot 1,6 \cdot 4,6}{9,2 \cdot 0,03 \cdot 6,4}$$

A) $\frac{5}{8}$ B) $\frac{2}{5}$ C) 2 D) 0,2 E) $\frac{5}{4}$

54. (96-10-5) Ҳисобланг:

$$\left(5\frac{1}{3} - 3,2\right) : 2\frac{2}{3} + 1\frac{2}{5}$$

A) $2\frac{1}{2}$ B) 2,2 C) 3,2 D) 2 E) 1,8

55. (97-1-1) Ҳисобланг.

$$\frac{0,215 - 1,6 \cdot 0,215}{3,45 - 3\frac{3}{4}}$$

A) -0,43 B) 0,43 C) 4,3 D) -4,2 E) 0,45

56 (97-6-1) Ҳисобланг:

$$\frac{0,15 - 0,15 \cdot 6,4}{0,175 - \frac{3}{8}}$$

A) 4,05 B) 40,5 C) -0,405
D) 2,1 E) -0,21

57 (97-11-1) Ҳисобланг.

$$\frac{0,64 \cdot 0,45 - 0,45}{1,05 - 1\frac{1}{2}}$$

A) - 3,6 B) 0,36 C) 0,64
D) - 0,36 E) 0,19

58 (98-2-1) Ҳисобланг.

$$\frac{1,8}{(4\frac{2}{5} \cdot 6\frac{1}{3} - 2\frac{1}{3} \cdot 4,4) \cdot \frac{5}{22}}$$

A) 0,4 B) 4,5 C) 4,2 D) 4,4 E) 0,45

59 (98-4-1) Ҳисобланг.

$$\left(1,6^2 - 2,2 \cdot \frac{3}{11}\right) : 1,4$$

A) 1,4 B) 1,2 C) 1,5 D) 1,6 E) 1,8

60 (98-6-4) Ҳисобланг.

$$\frac{[(1,2 : 36) + 0,3] \cdot 9}{0,2}$$

A) 148,5 B) 1,5 C) 150 D) 15 E) 16

61. (98-7-9) Ҳисобланг.

$$\frac{2,21 \cdot 5,95 + 1,51}{6,42 \cdot 5,95 - 8,88}$$

A) 1 B) $\frac{1}{2}$ C) $1\frac{1}{2}$ D) $-\frac{62}{41}$ E) $\frac{62}{41}$

62 (01-5-1) Ифоданинг қийматини ҳисобланг.

$$\frac{(6\frac{3}{5} - 3\frac{3}{14}) \cdot 5\frac{5}{8}}{(21 - 1,25) : 2,5}$$

A) 2,5 B) 3 C) - 2,5 D) 4 E) 5

63 (01-6-1) Ҳисобланг.

$$\frac{400 - 21,5 \cdot 18,5}{1,5 \cdot 2\frac{1}{5} + 2,8 \cdot 1\frac{1}{2}}$$

